



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2018 йил 11 июль, № 141 (7099)

Чоршанба

Сайтмига ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



МАМЛАКАТИМИЗДА ТИНЧ МАҚСАДЛАРДА ФОЙДАЛАНИШ УЧУН АТОМ ЭНЕРГЕТИКАСИ БАРПО ЭТИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 10 июль куни мамлакатимизда мутлақо янги соҳа бўлган атом энергетикасини барпо этиш бўйича ташкилий-техник чора-тадбирларни амалга ошириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Дунёда газ, нефть, кўмир ва бошқа манбаларга бўлган талаб кун сайин ортмоқда. Бу, ўз навбатида, ушбу ресурслар захирасининг кескин камайиб кетишига олиб келаётди. Шунинг учун бутун башарият — эҳтиёж учун ишлатиладиган ресурсларнинг муқобилидан фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Шулардан бири тинчлик мақсадлари йўлида атом электр энергетикасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Ҳозирда жаҳоннинг 30 дан зиёд мамлакатларида атом электр станцияларидан самарали фойдаланилмоқда. Бу мамлакат иқтисодиётига катта фойда келтириш билан бирга, табиий ресурслар тежалишига хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда электр энергиясига бўлган талаб 69 миллиард киловатт-соатни ташкил этади. Бу қувватнинг қарийб 85 фоизи газ ва кўмир ёқиш орқали, қолган 15 фоизи гидроэлектр станцияларида ишлаб чиқарилади. Бунинг учун йилига 16,5 миллиард куб метр табиий газ, 86 минг тонна мазут

ва 2,3 миллион тонна кўмир сарфланади.

Ҳисоб-китобларга кўра, иқтисодиёт ўсиши, аҳоли сони ва турмуш даражаси ошиши эвазига 2030 йилда электр энергиясига бўлган талаб 117 миллиард киловатт-соатга етади. Бунинг учун янги қувватлар ташкил этиш керак бўлади.

Агар ушбу қувватни таъминлаш учун табиий газ ва кўмрдан фойдаланишни давом эттирарек, уларнинг мавжуд захираси маълум вақтдан кейин тақрибан қолмаслиги мумкин. Бу эса келажак авлод олдида кечириб бўлмайдиган хато ва жиноят бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев. Шу боис мамлакатимизда тинч мақсадларда фойдаланиш учун экологик тоза ва узоқ муддат таъминладиган атом энергетикасини барпо этишга киришилди. Россиянинг "Росатом" давлат корпорацияси билан ҳамкорликда атом электр станциясини қуриш бўйича келишувга эришилди. Мазкур комплекс 2 энергоблокдан иборат, ҳар бирининг қуввати 1 минг 200 мегаватт бўлади. Уни

2028 йилгача тўлиқ ишга тушириш режалаштирилган.

Атом электр станцияси барпо этилиши натижасида йилига 3,7 миллиард куб метр табиий газ тежаллади. Бу манба қайта ишланиб, юқори қўшилган қийматли нефть-кимё маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Агар тежалланган газни қайта ишламасдан экспорт қилган тақдирда ҳам, Ўзбекистонга йилига 550—600 миллион доллар валюта тушади.

Атом энергияси экологик тоза, бундай станциялар зарарли ис газини ҳосил қилмайди. Натижада мамлакатимизда табиий газни ёқишдан ҳосил бўладиган ва атроф-муҳитга тарқаладиган ис газини ҳажми йилига 3 миллион тоннага камайд.

Йиғилишда атом электр станциясини қуриш, ундан фойдаланиш билан боғлиқ ташкилий-техник ва амалий ишлар муҳокама қилинди.

Президентимиз шундай объекتلари қуриш бўйича ривожланган давлатлар тажрибаси асосида иш тутиш, атом электр станциясини жойлаштириш бўйича

техник шартларни ишлаб чиқиш ва геологик-қидирув ишларини сифатли бажариш бўйича топшириқлар берди.

Мамлакатимизда янги бўлган ушбу соҳага доир норматив-ҳуқуқий база яратиш, "Атом энергиясидан фойдаланиш тўғрисида"ги қонун ва тегишли қарор лойиҳаларини ишлаб чиқиш, уларнинг МАГАТЭ талаблари ва халқаро ҳужжатларга мувофиқлигига алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланди.

Бу борадаги барча ишларни мувофиқлаштириш, ҳужжатларни тайёрлаш, лойиҳалаштириш ишлари ва музокаралар олиб бориш учун Вазиirlар Маҳкамаси ҳузурида янги ташкилот тузиш керак. Шу билан бирга, ушбу ташкилот ҳузурида атом электр станциясини қуриш дирекциясини ҳам тузиш зарур. Кейинчалик ушбу дирекция атом электр станциясининг оператори бўлиб қолади, — деди давлатимиз раҳбари.

Маълумки, атом электр станцияси қуриш ва ундан фойдаланишда энг замонавий ва мураккаб технологиялар қўлланилади. Бунинг учун эса чуқур билим ва юқори малакага эга бўлган мутахассислар керак. Шу боис Тош-

кентда физика соҳасида дунёда етакчи таълим муассасаларидан бири ҳисобланган Москва муҳандислик-физика институти филиалини очиб мўлжалланмоқда.

Шунингдек, физика ва техника йўналишларидаги олий ўқув юрларини битирган салоҳиятли кадрларни танлаб олиб, уларни Москва ва Минск шаҳарларида ўқишга ҳамда атом электр станцияларида тажриба орттиришга юбориш бўйича кўрсатма берилди.

Ушбу лойиҳани амалга оширишда мутлақо бошқача тизим яратамиз, бу борада бирон-бир бюрократик тўсиқлар бўлишига умуман йўл қўйилмайди, — деди Президентимиз. — Чунки ҳар томонлама узоқни кўзлаб режалаштирилган экологик тоза ва зарарсиз ушбу йирик лойиҳа мамлакатимиз иқтисодиёти тараққиётига, халқимиз турмуш фаровонлигига янада оширишга хизмат қилади.

Йиғилишда ҳар бир босқичдаги ишларни пухта ишлаб чиқиш ва амалга оширилаётган ишлар натижадорлигини катъий назорат олиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ “БУХОРО-АГРО” ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ташқи бозорларда талаб катта бўлган, юқори қўшилган қийматли рақобатбардош маҳсулотлар етиштиришни таъминладиган замонавий иссиқхона ҳўжаликлари ташкил этишга хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш учун қўлай шароитларни шакллантириш, шунингдек, Бухоро вилоятининг ишлаб чиқариш ҳамда ресурс салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланиш, шу асосда янги иш ўринлари ташкил этиш ҳамда аҳоли даромадларини ошириш мақсадида:

1. Бухоро вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирилиги, Иқтисодиёт вазирилиги, Молия вазирилиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, "Ўзбекистонқўшқўлҳўжалиги" ЖАМИАТИ Бухоро вилоятида "Бухоро-агро" эркин иқтисодий зонасини (кейинги ўринларда "Бухоро-агро" ЭИЗ деб юритилади) 1-иловага мувофиқ ҳудудлар чегаралари доирасида ташкил этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилинсин.

2. Бухоро вилояти ҳокимлиги: Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда "Бухоро-агро" ЭИЗ таркибига киритиладиган ер майдонларининг чегаралари аниқ белгиланишини ва ерларнинг белгиланган тартибда ажратилишини таъминласин;

манфаатдор идоралар билан биргаликда илғор технологияларни қўллаган ҳолда замонавий иссиқхоналар қуриш учун конструкциялар ва жиҳозлар ишлаб чиқаришга иштирок этишга маҳаллий корхоналар ташкил этиш чораларини кўрсин.

3. Қўйиладиган "Бухоро-агро" ЭИЗнинг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари этиб белгилансин: замонавий иссиқхона ҳўжаликлари, жумладан, гидропоника технологияларини қўллаган ҳолда, кластер усули асосида ташкил этиш учун тўғридан-тўғри хорижий ва маҳаллий инвестициялар жалб этиш, шунингдек, замонавий энергия тежовчи иссиқхоналар қуриш учун конструкциялар, жиҳозлар ва бошқа бўлловчи буюмлар ишлаб чиқариш ташкил этиш;

ҳудуднинг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш асосида қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қайта ишлашни чуқурлаштириш ва уларнинг экспорт ҳажмини ошириш;

қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг уруғдан то маҳсулотни бозорга етказиб беришгача бўлган тўлиқ жараёнини ташкил этишни рағбатлантириш; қўшма қўшма, шунингдек, бирламчи уруғчиликни ташкил этиш учун шароитлар яратиш орқали иссиқхона ҳўжаликлари талаби катта, юқори ҳосилдорликка эга бўлган қишлоқ ҳўжалиги эканлари уруғ ва қўшма қўшма билан таъминланган самарали механизмларини жорий этиш;

логистика хизматлари кўрсатишнинг замонавий инфратўлиқларини шакллантириш, қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқариш субъектлари улар томонидан етиштирилган маҳсулотлар экспортини ташкил этишда қўмақлаштириш;

иссиқхона ҳўжаликлари ташкил этишда замонавий ресурс тежовчи технологияларини, муқобил иссиқлик энергияларидан фойдаланишни кенг жорий этиш; ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни стандартлаштириш, сертифицилаштириш ва маркировка қилиш бўйича халқаро стандартларга мувофиқ илмий-ишлаб чиқариш марказлари ташкил этиш ва уларнинг ҳулосалари халқаро даражада эътироф этилишини таъминлаш чора-тадбирларини қўриш;

иссиқхона ҳўжаликлари соҳасида юқори малакали мутахассислар тайёрлашда, жумладан, улар томонидан "Бухоро-агро" ЭИЗ ҳудудида фаолият юритаётган корхоналарда ишлаб чиқариш амалиётини ўташда иштирок этиш.

4. Белгиланган қўйилсинки: "Бухоро-агро" ЭИЗ таркибига киритилган ер майдонлари Бухоро вилояти Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгашининг бевосита тасарруфиди бўлади;

"Бухоро-агро" ЭИЗнинг фаолият кўрсатиш муддати у ташкил этилган кундан бошлаб, мазкур муддатни кейинчалик узайтириш имконияти билан 30 йилни ташкил қилади;

"Бухоро-агро" ЭИЗнинг фаолият кўрсатиш муддати мобайнида унинг ҳудудида алоҳида солиқ ва божхона режими амал қилади;

"Бухоро-агро" ЭИЗ иштирокчиси мақоми Бухоро вилояти Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгашининг қарори билан берилади.

5. Бухоро вилояти Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгаши:

а) бир ой муддатда "Бухоро-агро" ЭИЗ дирекциясини ва унинг фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирларини кўрсин;

(Давоми 2-бетда).

Парламент назорати

Олмазорнинг ҳар бир маҳалласида тадбиркорлик ривожланади

Бугун мамлакатимизни ҳар жиҳатдан ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун имкониятларни янада кенгайтириш орқали янги иш ўринлари яратиш, ҳудудлар инфратўлиқларини замонавий талаблар асосида такомиллаштириш, пировардида оддий одамлар турмуш фаровонлигини яхшилаш кун тартибидидаги кечиктириб бўлмас вазифага айланди.

Бу жорий йил 29 июнь куни Президентимизнинг Олмазор туманига ташрифи давомида яна бир бор намоён бўлди. Боиси давлатимиз раҳбари туманни иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишар экан, бу ерда мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш, ишламаётган объектлар фаолиятини қайта тиклаш, янги корхоналар ташкил этиш, тадбиркорлик ва хизмат кўрсатишни ривожлантириш ҳисобидан одамларга даромад манбаи яратиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратди. Шу билан бирга, яна бир янги ташаббус илгари сурилди: Олмазор туманида тажриба тариқасида "Маҳалла тадбиркорлик маркази"ни ташкил этиш таклифи билдирилди.

Дарҳақиқат, йирик ҳудудни — 58 маҳаллани қамраб олган бу туманда тадбиркорлик ривожини учун қўлай имконият мавжуд. Президентимизнинг мазкур топшириқларини тўла-тўқис бажариш мақсадида парламент қўйи палатаси Спикерининг ўринбосари раислигида Қўнунчилик палатаси депутатлари, мутасадди идора раҳбарлари, тумандан сайланган Тошкент шаҳар ва Олмазор тумани Кенгашлари депутатлари ҳамда тумандаги 58 та маҳалла оқсоқоллари иштирокида ишчи йиғилиши ўтказилди. Унда парламент, депутат ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш, хусусан, бўш турган объектларни аниқлаш, рўйхатга олиш ва ишга тушириш бўйича масалаларни чуқур ўрганиш

учун Олмазор туманининг барча маҳалласига Олий Мажлис Қўнунчилиги палатаси депутатлари бириктирилди.

Шу кунгича маҳалла оқсоқоллари билан биргаликда бўш турган объектлар рўйхатини шакллантириш ҳамда уларни ишга тушириш бўйича ҳудудларда амалий ҳаракатлар бошлаб юборилди.

— Олмазор туманидаги 1-секторга қарашли "Олимпия" маҳалласи ҳудудидаги бўш турган, қурилиши тугалланмаган ёки ҳужжатлаштирилмаган ёкинолар ва фаолияти тўхтаб қолган корхоналар Олий Мажлис ҳамда туман Кенгаши депутатлари, МФЙ раиси иштирокида жойига бориб ўрганиб чиқилди, — дейди Олий Мажлис Қўнунчилиги палатаси депутати Абдуғани Умиров.

— Мазкур ҳудудда 9 та объект ва ер майдонлари бўш тургани аниқланди. Масалан, туман ҳудудида жойлашган "Telecom gold service" МЧЖга қарашли полиэтилен маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган бино қурилиши бошлаб қўйилган. Бироқ ҳужжатлаштирилмаган, ҳеч қандай рўйхатдан ўтказилмаган бу ишоот 2012 йилдан буйи бўш ётибди, ишга тушишдан дарак йўқ. Энди тасаввур қилинг: бир эмас, бир неча шу каби ерлар ўз вақтида ишнинг кўзини билган бирор тадбиркорга берилганида эди, бекор ўтган 5 йил ичида қанча иқтисодий фойда келтирган бўларди?!

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН — ОСИЁНИНГ ЭНГ САЁҲАТБОП МАНЗИЛИ



Дунёга машҳур «Lonely Planet» журналида «Осиёдаги саёҳат учун энг мақбул жойлар рейтингини» эълон қилинди.

Қайд этиш жоизки, 1972 йили Австралияда ташкил қилинган мазкур журнал туризмга иқтисослаштирилган нашр ҳисобланади. У 2007 йилдан "BBC Worldwide" гуруҳига киритилган. Ҳар йили 500 дан зиёд нашрлар, китоблар, қўлланмалар чоп этади.

ЭЪТИРОФ

Ўзбекистон илк бор ушбу рўйхатга киритилиб, Жанубий Кореядан кейин иккинчи ўринни эгаллади. Эътиборлики, юртимиз ўзининг жозибадорлиги бўйича Вьетнам, Япония, Таиланд, Непал, Шри-Ланка, Хитой ва Индонезия сингари давлатлардан олдинда қайд этилди.

"Бу диёр мухташам масжидлари, Буюк Ипак йўли бўйлаб тарқалган осориёткалари билан сайёҳларни ҳайратга солиб келган. Аммо яқин вақтгача

хорижликлар ушбу мамлакат ҳақида етарли даражада билмас эдилар", деб ёзилади "Lonely Planet" журналида.

Республикамизда замонавий босқичда туризм жабҳасини ривожлантириш, сайёҳларга янги-янги қўлай шарт-шароитларни яратиш бўйича амалга оширилаётган ишларга юксак баҳо берар экан, журналда шундай давом этирилади:

"2017 йилнинг сўнгига келиб мамлакат улкан зафарларга эришди. Ту-

ризм соҳаси чет элликлар учун янгитдан очилди деса, муболага бўлмайди. Виза тартибининг соддалаштирилиши, электрон визаларнинг жорий қилиниши, баъзи давлатлар фуқаролари учун визасиз тартибининг йўлга қўйилиши муҳим воқеалардан бўлди. Янги ҳаво йўналишларининг очилиши, темир йўллар тармоғининг кенгайиши қўна шаҳарларга бориш учун кенг имкониятлар яратди".

Нашр таҳлилчиларининг фикрича, республикамизда кечаётган иқтисодий жараёнлар унинг сайёҳлик имкониятлари ва меҳмондўстлик анъаналарини дунёга янги жиҳатдан очишга хизмат қилаётди.

О. ЛУТФУЛЛАЕВ тайёрлади.

Ўзбекистон асосий сайёҳлик марказларидан бирига айланиши учун кенг имкониятларга эга

Дунё нигоҳи

Республикамизга хориж фуқароларининг кириб келиши тартибини соддалаштириш борасидаги янгиликлар чет эл оммавий ахборот воситаларида кенг эътироф этилмоқда.

Индонезиянинг нуфузли "The Jakarta Post" газетасида Ўзбекистон сайёҳлар учун тобора кўпроқ жозибаси касб этиб бораётгани

ни ривожлантириш учун қўлай шароитлар яратишга қаратилган Фармони асосида олиб борилаётгани.

Хусусан, мазкур ҳужжатга мувофиқ, республика дунёнинг катор давлатлари, шу жумладан, Индонезия фуқароларига 30 кунгача визасиз тартибини жорий қилган эди. Ушундан июль ойидан бошлаб электрон визаларни муомалага киритиш бўйича режалар ҳақида ҳам маълум қилинган. "Маана бугун мамлакат ўз сўзининг устидан чиқди ва 15 ойдан бошлаб электрон визаларни бериш тартибини жорий қилади", деб ёзилади нашрда.

Озарбайжоннинг

"Trend" ахборот агентлиги

хабарига кўра,

эндиликда хориж фуқаро-

лари Ўзбекистонга кириш визасини расмий-

лаштириш учун республиканинг чет эллар-

даги дипломатик ваколатхоналари ёки кон-

суллик идораларига мурожаат этишлари

шарт эмас. Бу янгилик мамлакат ҳақида кўп

эшитган, аммо шу пайтгача уни бориб қўриш-

га имконияти бўлмаган хорижликлар учун

ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Зеро,

виза олиш билан боғлиқ бюрократик қийин-

чиликлар бартараф этилиб, ўзбек заминини

дунёга бағрини янада кенгроқ очётгани таъ-

кидланади.



"E-VISA.UZ" тизимининг жорий қилиниши Ўзбекистоннинг бекиёс маданияти, шонли тарихи, ранг-баранг урф-одат ва анъаналарини дунёда кенг тарғиб этишга хизмат қилади, деб ёзилади Хиндустоннинг "The Economic Times" газетасида. Замонавий



ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш орқали чет эл фуқароларининг виза олишга кетадиган вақти ва молиявий ресурслари салмоқли даражада тежаллади.

(Давоми 3-бетда).

Бош прокуратура ҳузуридаги
Ахборот-таҳлил
мультимедиа маркази материаллари
асосида
Раҳим ШЕРҚУЛОВ тайёрлади.

“Бу дунёда ўлим ва солиқлардангина қочиб қутулиб бўлмайди”. Бенжамин Франклиннинг ушбу машҳур ибораси солиқнинг ҳаётдаги аҳамияти, иқтисодийдаги ўрни нақадар мислсиз эканлигини яққол англатиб турибди. Зеро, ҳар қандай мамлакат бюджетига тушумларнинг асосий қисми ҳам, ижтимоий соҳалар ривожига ҳам солиқлар эвазига таъминланади. Ҳамма замонларда унинг йиғимига жиддий эътибор қаратилгани боиси ҳам шундан.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Хозирги пайтда дунёнинг кўплаб ривожланган давлатларида солиқларни тўлаш ҳақиқий даромаднинг яшириш жинояти сифатида баҳоланиб, солиқдан қочган одам давлат мулкни ўзлаштиришга, керак бўлса, халқига хиёнат қилганлик даражасида айбланади. Шунинг учун ҳам ҳар бир фуқароннинг давлат олдидagi биринчи вазифаси солиқларни вақтида тўлаш ҳисобланади.

Бизда-чи? Барча бирдек солиқларни вақтида тўлайдими? Даромаднинг яширмаганман, деган мард тadbиркорлар сафи кенгми? Ёки қайси дукон эгаси олган даромадларини банк орқали тўла қилганми? Тан олиб айтганда, кўпчилигимиз истеъмолчи сифатида сотиб олган маҳсулот ёки хизматимизнинг юздан бирига ҳам чек талаб қилмаймиз. Шу тарика ноқонуний пул айланишига сабабчи бўлиб қоламиз.

Аммо солиқ сийсати ҳақида сўз борганда аксариятимиз ставкаларнинг юқорилиги ва чалқашлигини рўқсат қиламиз. Тан олиш керакки, солиқлардан қочишга уринишимизнинг сабаби ҳам айнан унинг мураккаб ва тушунарсизлигидадир.

Бизнес-ҳамкор ва маслаҳатчи

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 26 июндаги “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тўбдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори

Энди солиқлардан қочишга ҳожат йўқ

билан солиқ маъмуриятчилиги тизимини такомиллаштиришнинг энг муҳим йўналишлари белгиланган бўлибди. Хусусан, давлат солиқ хизмати органларини солиқ тўловчиларнинг бизнес-ҳамкори ва маслаҳатчиси сифатида янги имиджини яратиш орқали хизмат кўрсатишга йўналтирилган идорага айлантириш вазифаси қўйилди. Бундан экстерриториаллик принциплари асосида солиқ тўловчилар ўз солиқ мажбуриятларини ихтиёрий бажариши талаб этилади. Бизнеснинг қонуний, шаффоф ва қулай юритиш учун мақбул шарт-шароитлар яратилади. Солиқ маъмуриятчилиги ва назоратининг мутлақо янги тизимига асос солинади.

Шунингдек, коррупциявий омилларга йўл қўймаслик бўйича превентив ва олдини олиш чоралари қўлланилади. Солиқ тўловларининг ўз вақтида, бир хилдаги тушуми таъминланиб, маъмурий тартиб-таомиллар максимал даражада камайтирилади, соддалаштирилади. Солиқ солинадиган базани кенгайтириш ва иқтисодиётда ҳуфизна айланимларни қисқартириш ҳисобига бюджетларнинг даромад қисми барқарор шакллантирилади. Бундан ташқари, текширувдан олдинги таҳлил ва масофавий назорат-таҳлил ишларини амалга ошириш учун маълум

мотларни тўлиқ йиғиш ва қайта ишлашни таъминлайдиган замонавий, илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чоралари янада қўлайирилади. Давлат солиқ хизмати органлари ҳодимлари агар корпоратив этика сингдирилиб, уларнинг стратегик мақсад ва вазифаларига эришиш учун ўз хизмат фаолияти самардорлигини ошириш мотивацияси тизими жорий этилади.

1245 нафар ходим нега ишдан олинди?

Президентимиз томонидан солиқ тизимида коррупциянинг авж олиб кетганини, солиқ тўловчиларнинг аксарияти ўз ҳақ-хуқуқини билмаслиги, солиқчиларнинг ноинсофлиги, айниқса, боzorларимиздаги аҳолининг жуда ёмон эканлиги кўп бора кескин танқид қилинди. Қарорда ҳам бу жиҳатлар алоҳида қайд этилиб, солиқ назоратининг эскирган усул ва принциплари мазкур орган олдига қўйилган янги вазифаларни ҳал қилиш, жумладан, солиқ солинадиган базани кенгайтириш ва солиқлар йиғилувчанлигини оширишга таъминлаш имконини бермаслиги, ўз ечимини топмаган сезиларли муаммоларнинг мавжудлиги ушбу ҳолатни янада оғирлаштираётгани таъкидланди.

га барҳам бериш мақсадида мазкур соҳадаги ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш бош бошқармаси ҳамда унинг ҳудудий бўлиmlарини тугатилди ва уларда ишлайдиган жами 1245 нафар ходим билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинди. Янгидан барпо этилаётган тизимга ҳалол ва Ватанни севадиган кадрларни танлаб олишни мақсад қилганимиз.

Адолат ва тенглик тамойили

Аслида, солиқлар нималарга сарфланади? Биз нима учун ҳалол меҳнат қилиб тўплаган даромадимизни, хусусий мулк ва бойлигимизнинг бир қисmini давлатга беришимиз керак? Бунинг жавоби оддий. Давлат хизматчиларининг ойлик маоши, пенсия ва нафақа тўловлари айнан солиқлар ҳисобига қопланади. Бундан ташқари, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун биз тўлаётган солиқлар асосий манба ҳисобланади. Ана шу нарсани халқимиз тўла тушуниб етсагина солиқларни ўз вақтида тўлашдан оғринмайди. Бунинг учун эса солиқлар ҳаммага тушунарли ва оғирлик қилмайдиган бўлиши керак. Адолат ва тенглик асосида ундирилиши лозим.

Давлатимиз раҳбарининг “Ўзбе-

кстон Республикасининг солиқ сийсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги Фармони билан айнан шу масалалар ўз ечимини топди. Хусусан, унга қўра, 2019 йил 1 январдан бошлаб барча фуқаро учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигининг ягона ставкаси 12 фоиз миқдорда жорий этилади. Шундан 0,1 фоизи шахсий жамғариб

ларига юридик шахсларнинг обороти (тушуми)дан ундириладиган мажбурий ажратмалар ҳам бекор қилинмоқда. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкаси 14 фоиздан 12 фоизга, тижорат банклари учун 22 фоиздан 20 фоизга пасайтирилади. Мобиль алоқа хизмати кўрсатаётган юридик шахслар (уяли алоқа компаниялари) учун рентабеллик дара-

жасидан келиб чиқиб, улар учун қўшимча фойда солиғи ҳисоблаш тартибини бекор қилган ҳолда 14 фоиздан 20 фоизгача ошириш назарда тутилган. Дивидендлар ва фойзалар кўринишидаги даромадлар бўйича тўлов манбаидан ушлаб қолинадиган фойда солиғи ставкаси эса 10 фоиздан 5 фоизгача пасайтирилади.

Соддалашаётган тизим

Президент Фармонига қўра, ўтган йил якунилари бўйича йиллик айланма маблағи 1 миллиард сўмдан олган ёки йил давомида белгиланган чегаравий миқдорда етган корхоналар умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтказилади. Бундан йиллик тушумнинг 1 миллиард сўм этиб белгиланган чегаравий миқдори 3 йилда камида бир марта қайта қўриб чиқилади. Барча тadbиркорлик субъектлари, жумладан, обороти (тушуми) 1 миллиард сўмгача бўлган юридик шахслар учун юридик шахсларнинг мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлайди.

Солиқ тизими соддалаштирилган экан, аввало, адолатли салбий таъсирини камайтириш чоралари қўрилмоқда. Бунинг учун юридик

шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкаси, бино ва иншоотлардан, шу жумладан, илгари хусусийлаштирилган объектлардан самарасиз фойдаланаётган юридик шахслар учун оширилган ставкада солиқ ҳисоблаш тартибини сақлаб қолган ҳолда 5 фоиздан 2 фоизга пасайтирилмоқда. Йиллик айланмаси 1 миллиард сўмгача бўлган солиқ тўловчилар учун тушумдан солиқнинг 4 фоиз миқдордаги базавий ставкадан келиб чиқиб ҳисоблаш ва тўлаш тартиби ҳамда қўйилган қиймат солиғини ихтиёрий равишда тўлаш имконияти белгиланади.

Ҳар биримиз ҳисса қўшайлик!

— Солиқ сийсатини такомиллаштириш биз, аввало, солиқларнинг йиғилувчанлигини оширишдан бошлашимиз керак, — дейди Бехзод Мусаев. — Бунинг учун солиқ тўловчиларга иложли борица енгиллик бериш, солиқ хизмати ходимларининг малака ва тажрибасини ошириш, шунингдек, аҳолининг истеъмол маданиятини юксалтиришимиз талаб этилади. Ҳар биримиз сотиб олган маҳсулотимиз, бизга кўрсатилаётган иш ва хизматлар учун чек талаб қилишни ўргатсан, бозорлар ва хизмат кўрсатиш соҳобаларидаги пулларнинг қонуний айланишига ҳисса қўшган бўламиз. Ёки ҳар бир солиқ хизмати ходимининг ундирган солиғи учун фойз ҳисобидан мукофот пулини қоний эттишни ҳам режалаштиришимиз. Бу ҳам солиқларнинг ўз вақтида йиғилиб, давлат газнасининг бойишига хизмат қилади.

Қисқача айтганда, юқоридagi Фармон билан солиқ сийсатида катта ўзгаришлар бўлмоқда. Янгидан ишлаб чиқилаётган Солиқ кодекси эса тизимнинг барча жиҳатини ўзига акс эттирган янгица ҳуқуқий ҳужжат бўлиши, шубҳасиз.

Бехзод ИБРАГИМОВ.

ТАҚДИМОТ

2010 йилда Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг икки фоизини меҳнат муҳожирларининг фарзандлари ташкил этган бўлса, 2017 йилда бу рақам 6 фоизга етган. Яъни 250 нафарга яқин болаларнинг ота-онаси фарзандини давлат қарамлигига топшириб, пул топиш илнжидида чет элга кетган. Аммо бу масаланинг бир томони, холос.

Ҳамкорликдаги йирик лойиҳа миграция таъсиридан болаларни ҳимоялашнинг самарали механизмларини яратди

Расмий маълумотларга қўра, бугунги кунда 2 миллиондан ортиқ ватандошларимиз бошқа давлатларда меҳнат мигранти саналади. Уларнинг ортида оиласи, кимларгадир ишониб топшириб кетган фарзандлари бор, албатта. Ота-онаси узоқда меҳнат қилаётган ўғил-қизларнинг таълими, соғлиги ва умуман, тақдирини — Ўзбекистонда иш бошлаган янги лойиҳа доирасида атрофлича таҳлил қилинади.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, ЮНИСЕФ, Европа

иттифоқи кўмағида миграция таъсиридан болаларни ҳимоялаш бўйича лойиҳа тақдимотида бу ҳақда батафсил маълумот берилди. У Жануби-Шарқий ва Жанубий Осиё ҳамда Марказий Осиё минтақаларидаги саккизта мамлакатда, жумладан, Ўзбекистонда амалга оширилади. Лойиҳа, асосан, мигрантлар оилаларини ихтиёмий ҳимоя қилиш, вазифалик ва ҳимоялик органлари, давлат ва но-тижорат ташкилотларининг бу борадаги фаолиятини мувофиқлаштиришга йўналтирилган. Бунинг учун республика

ликамизнинг тўртта вилояти танлаб олинди. Яъни айни пайтда мигрантлар сонинисбатан юқори бўлган Бухоро, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларида 2020 йилнинг декабрига қадар босқичма-босқич амалга оширилади. Лойиҳа доирасида мавзую оид тадқиқотлар ўтказиш, мигрантларнинг фарзандларини дуч келаётган муаммоларни тизимли таҳлил қилиш кўзда тутиляпти. Бундай оилаларга ўз вақтида ва керакли ёрдамни ташкил этиш юзасидан зарур механизмларни ишлаб чиқиш мақсад

қилинган. Тақдимотда бу жараёнда иштирок этувчи томонларнинг маъсулияти ва вазифалари хусусида ҳам сўз борди. Давлат органлари билан бирга Хотин-қизлар қўмитаси, “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази, Республика болалар ижтимоий мослашув маркази, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари каби жамоат ташкилотларининг лойиҳа ишида фаол қатнашишини таъминлаш юзасидан зарур чоралар белгиланди.

Ўзбекистон асосий сайёҳлик марказларидан бирига айланиши учун кенг имкониятларга эга

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

“Бўш турган маблағингиз борми? Унда Ўзбекистонга сармоя киритинг ва ўн йиллик “Golden visa”га эга бўлинг”, дея маҳаллий тadbиркорлар республикамизга инвестиция киритишга чорла-

саёт қилаётган туристлар учун бошқа давлатлар виза белгиларини тан олиш имконияти жорий қилиниши Осиё давлатларидан келадиган сайёҳлар оқими-га ижобий таъсир кўрсатиши тахмин қилинади. “Vatandosh” визасининг амалиётга киритилиши эса бугун дунёнинг турли нуқталарида истикомат қилаётган ўзбекистонликларнинг Ватанга келиб-кетилишлари учун ниҳоятда қулай имкониятдир.

Қувайтнинг “Times Kuwait” газетасида Ўзбекистон минтақадаги асосий сайёҳлик марказига айланиши учун барча имкониятга эгалиги эътироф этилади. Илгари мавжуд бўлган бюрократик тўсиқларнинг бартараф қилиниши Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев

Kuwait Times

раҳбарлигида олиб борилаётган кенг кўламли ислохотларнинг таркибий қисmidир.

“Республиканинг ташқи дунёга очилиши Марказий Осиёдаги вазиятни мутлақо янги йўналишга бурмоқда. Энди бу ерда ўзаро ишонч, ҳурмат ва муштарак манфаатлар тамойиллари ҳукм сураётди. Халқлар ўртасидаги аслраро ривожланиб келган ришталарга янги туртки берилди”, дейилади мақолада.

Анвар МИРЗАЕВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

Эксперт фикри

Минтақавий мулоқотда янги давр

Умумий муаммоларга биргаликда жавоб

22 июни кун БМТ Бош Ассамблеяси “Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш” резолюциясини қабул қилди. Лойиҳаси Ўзбекистон томонидан Марказий Осиёдаги қўшни мамлакатлар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган ушбу ҳужжатни БМТга аъзо барча давлатлар бир овоздан қабул-қувватлади.

Бу воқеа нафақат минтақа учун, балки халқаро миқёсда ҳам улкан тарихий аҳамиятга эга. Моҳиятан, резолюциянинг қабул қилиниши аниқ мақсадлар йўлида бирлашган минтақага айланаётган Марказий Осиё мамлакатлари тараққиётида янги босқичи бошлаб берди.

Ўзбекистон манфаати

